

Турар-жойга зўрлик ишлатмаган ҳолда кирган шахснинг ҳаракатларида ЖК 142-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Жиноят ишлари бўйича Учқурғон туман судининг 2002 йил 27 ноябрдаги ҳукмига кўра, М. ЖК 25,118 моддасининг 1-қисми ва 142-моддаси билан айбли деб топилиб, ЖК 25,118 моддасининг 1-қисми билан 3 йилга, 142-моддаси билан 3 йилга, ЖКнинг 59- моддасига асосан 4 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Ҳукмга кўра, М. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбдор деб топилган.

М. 2002 йил 17 июлга ўтар кечаси соат тахминан 01-02 ларда фуқароларнинг турар-жой дахлсизлигини бузиб, қўшниси А. нинг номусига тегиш мақсадида унинг яшаш уйига деразаси орқали киради., А. ухлаб ётганидан фойдаланиб, М. унинг кийимларини ечмоқчи бўлганида, А. уйғониб қолиб, унга фаол қаршилик кўрсатиб, бақириб юборади. Шовқиндан А.нинг шу уйда ухлаб ётган ёш ўғли ва қизи уйғониб кетишиб, бақириб юборишади. Натижада М. жинойий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмай, воқеа жойидан қочиб кетади.

Жиноят иши 2003 йил 16 январда апелляция инстанцияси судида кўрилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган. Айни пайтда М.га нисбатан 2003 йил 3 декабрдаги амнистия акти 6-моддасининг «а» банди татбиқ этилиб, тайинланган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда суд қарорларининг М. ни ЖКнинг 142-моддаси билан айбдор деб топиш ҳақидаги қисмини бекор қилиб, жиноят ишининг шу қисмини тугатиш масаласи кўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раёсати 2003 йил 12 сентябрда протестни тўлиқ қаноатлантириб, қарорда қуйидагиларни кўрсатган.

Жиноят кодексининг 142-моддаси диспозициясида турар-жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят иши юзасидан аниқланган ҳолатларга кўра, М. 2002 йил 17 июлга ўтар кечаси жабрланувчи А.нинг яшаш уйига очик деразаси орқали, яширин равишда, зўрлик ишлатмасдан кирган. Бундай ҳолда М. нинг ҳаракатида ЖКнинг 142-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмас.